



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 30 » июнь

№ПК–4768

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6017-сон Фармонига мувофиқ;

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг **ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони:

75 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги **марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

766 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг тузилмалари 3 ва 4-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) директориға зарурат бўлганда, Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар тузилмаларига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ёшлар ҳаёти, орзу-интилиш ва муваффақиятларини кенг ёритиш, муаммо ва камчиликлари ечимига қаратилган кўрсатув, мақола ва эшиттиришлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ушбу йўналишда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари ва нашриётлардаги улушларини Агентликка бериш ҳамда Агентлик томонидан улар негизида акциядорлик жамияти шаклидаги **“Yoshlar media xoldingi”**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Агентлик уч ой муддатда **“Yoshlar media xoldingi”** акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Агентлик:

ёшлар йўналишида фаолият кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотларига ўз фаолиятини йўлга қўйиш, амалга ошириш ва ривожлантиришда ҳар томонлама ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

уч ой муддатда **“Камалак” болалар ташкилоти** фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи **давлат бошқарув органи ҳисобланади;**

Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар учун мажбурийдир;

давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган **олий таълим муассасасининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори** (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод **Агентлик билан келишилган ҳолда** белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Агентлик билан **мажбурий равишда келишилади**;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳар чоракда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларда учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот беради;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари давлат органлари ва ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларнинг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан сўров юбориш ҳуқуқига эга;

Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

Агентлик ёшлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга масъул ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

б) Агентлик директорининг ўринбосарлари, шу жумладан биринчи ўринбосари Агентлик директори тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

в) мақоми, **меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра**:

Агентлик директори – вазирга, унинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари – тегишли равишда вазир ўринбосарларига;

Агентликнинг марказий аппарати ходимлари – вазирликлар марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ходимлари эса – вазирликлар ҳудудий бўлинмалари ходимларига **тенглаштирилади**;

г) Агентлик марказий аппарати ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффициентлари **1,8 баравар миқдорда**, Агентлик ҳудудий бўлинмалари ходимларига **1,2 баравар миқдорда** қўлланилади.

6. Агентлик директори **икки ой муддатда** Агентликнинг унга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг унинг Марказий ва ҳудудий кенгашлари балансидаги ва оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бино ва иншоотлари, шунингдек, мол-мулкларини (фаолиятини таъминлашга етарли қисмини ўз балансида сақлаб қолган ҳолда) ўрнатилган тартибда давлат мулки сифатида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишлича Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Агентликнинг марказий аппарати Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11-уй манзилдаги бинога жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Агентлик, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида кўзда тутилган бино ва иншоотлар, шунингдек, мол-мулкларни хатловдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу мол-мулкларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини таъминлашга етарли қисмини унинг балансида сақлаб қолган ҳолда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Агентлик, Молия вазирлиги Ёшлар марказлари ва ёшлар учун мўлжалланган бошқа инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари Агентликка ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилишини инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар “Ёшлар ижод саройи” қошидаги **Ёшлар симфоник оркестри** негизида **Ўзбекистон давлат симфоник оркестрини** ташкил этиш ва амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақланиб қолган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тузилмасига** ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон давлат симфоник оркестри фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни 2020 йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи учун давлат бюджетида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчиларини сақлаш харажатларини қоплаш юзасидан таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет тармоғига улашни, шунингдек, зарур алоқа, жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

13. Агентлик:

молия, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистика ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг таҳлилий материаллари мажбурий юбориладиган реестрга киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини** (кейинги ўринларда – Институт) **Агентлик тузилмасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига** розилик берилсин.

Қуйидагилар Институт фаолиятининг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

ёшларга оид давлат сиёсати ижроси мониторингини олиб бориш, ёшлар муаммоларини тизимли ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ҳокимияти, вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритувчи истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, ёш бошқарув ходимларини профессионал жиҳатдан ривожлантириш учун ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш;

ёшларга оид қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

вазирлик, идора ва ташкилотлар буюртмалари асосида ёшлар муаммоларини ўрганишга қаратилган фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш;

ёшлар дуч келаётган долзарб муаммолар, уларнинг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган таҳдидларни аниқлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиш;

ёшлар соҳасидаги ишларни самарали йўлга қўйишга қаратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, анжуманлар, “давра суҳбатлари” ва илмий-амалий семинарлар ташкил этиш;

ёшлар масалаларида Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари борасида қўшма тадқиқотлар олиб бориш.

15. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Белгилансинки:

Институт Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институт асосий фаолияти ёшлар муаммоларини ўрганиш, мазкур йўналишда илмий ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг

Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Институт фаолиятига доимий равишда **илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради;**

Институт директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда **Агентлик директори томонидан** лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий рағбатлантириш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра Институт директори – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси **проректорига, ходимлари** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг **ходимларига тенглаштирилади;**

Институт директорига ходимларига моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан тариф ставкасининг **100 фоизигача миқдорида ойлик устамалар белгилаш**, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳуқуқи берилади;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун Институт шартнома асосида таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

17. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий дастурларида назарда тутилган маблағлар;

хўжалик фаолияти ҳамда шартнома асосида ўқув, методик ва илмий-тадқиқот лойиҳалари, ахборот-таҳлил ҳамда таҳририй-нашриёт ишларини бажариш, таълим ва бошқа хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар.

18. Институт Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2020 йилда Агентлик ҳамда Институт таъминоти учун маблағлар ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар харажатларни молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

Агентлик марказий аппарати учун 8 та хизмат автотранспорт воситасини, шу жумладан 6 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаси, 1 та навбатчи автотранспорт воситаси ва 1 та микроавтобус ҳамда ҳудудий бошқармалар учун 14 та хизмат енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит белгиласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3206-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Агентлик директори – ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул вазирлик, идора ҳамда ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, белгиланган вазифалар ижроси бўйича юзага келадиган масалаларни тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев – ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**




Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри


**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ



Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг
ТУЗИЛМАСИ




**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги
туман (шаҳар) бўлимларининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 3 штат бирлиги, жами – 612 штат бирлиги.

**Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони – 26 штат бирлиги (профессор-ўқитувчилар таркиби, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар инobatта олинмаган ҳолда), шу жумладан бошқарув ходимлари сони – 18 штат бирлиги, ўқув-ёрдамчи ходим сони – 1 штат бирлиги.



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 30 » июня

№ ПП–4768

Об организации деятельности Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 30 июня 2020 года № УП–6017 «О мерах по коренному реформированию и поднятию на новый уровень государственной молодежной политики в Республике Узбекистан»:

1. Утвердить:

а) **организационную структуру** Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан согласно приложению № 1;

б) общую предельную численность управленческого персонала, финансируемого из Государственного бюджета Республики Узбекистан, в том числе:

75 штатных единиц в структуре центрального аппарата Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан согласно приложению № 2;

766 штатных единиц в структурах управлений в Республике Каракалпакстан, областях, городе Ташкенте и районных (городских) отделах Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан согласно приложениям №№ 3 и 4.

Предоставить право директору Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан (далее – Агентство) вносить, при необходимости, изменения в структуры центрального аппарата и территориальных подразделений, а также подведомственных организаций Агентства в рамках общей предельной численности управленческого персонала и фонда оплаты труда.

2. Поддержать предложения Союза молодежи Узбекистана, Агентства по управлению государственными активами, Национальной телерадиокомпании Узбекистана и Министерства по поддержке махалли и семьи Республики Узбекистан о передаче Агентству в целях широкого освещения жизни, надежд и устремлений, достижений молодежи, организации подготовки передач, статей и вещаний, направленных на решение ее проблем, их доли в средствах массовой информации и издательствах, ведущих деятельность в данном направлении, а также образовании Агентством на их базе **«Yoshlar media xoldingi»** в форме акционерного общества.

Агентству в трехмесячный срок в установленном порядке внести в Кабинет Министров проект нормативно-правового акта об организации деятельности акционерного общества «Yoshlar media xoldingi».

3. Агентству:

оказать всестороннюю организационную и практическую помощь негосударственным некоммерческим организациям, ведущим деятельность в молодежном направлении, в организации, реализации и развитии их деятельности;

в трехмесячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложение о совершенствовании и поддержке деятельности **детской организации «Камалак»**.

4. Установить, что:

Агентство является **органом государственного управления** по разработке и реализации государственной молодежной политики, системной реализации социально-экономических, организационных и правовых мер, направленных на создание условий для развития интеллектуального, творческого потенциала и потенциала молодежи в других направлениях;

решения, принятые Агентством в рамках его компетенции, обязательны для всех государственных органов, других организаций и должностных лиц, участвующих в реализации государственной молодежной политики;

кандидат на **должность проректора** (заместителя директора филиала) **по работе с молодежью** государственных и **высших образовательных учреждений** с государственной долей назначаются на должность и освобождаются от должности **по согласованию с Агентством** в установленном порядке;

проекты нормативно-правовых актов, прямо или косвенно оказывающих влияние на реализацию государственной молодежной политики, **в обязательном порядке согласовываются** с Агентством;

начальники территориальных управлений Агентства ежеквартально на заседаниях соответствующих Кенгашей народных депутатов представляют информацию об актуальных проблемах и недостатках в сферах, связанных с деятельностью молодежи, а также их решении;

Агентство и его территориальные управления имеют право направлять запросы в государственные органы и организации с требованием предоставления обоснованных разъяснений об исполнении нормативно-правовых актов и программ по реализации государственной молодежной политики и других важных вопросах, входящих в их компетенцию.

Агентство вносит руководителям государственных органов и организаций обязательные к рассмотрению представления по нарушениям актов законодательства о молодежи, об устранении причин и условий, им способствующих;

Агентство является ответственным за оказание всестороннего содействия первичным организациям в вопросах молодежи, а также повышение эффективности их деятельности;

средства Государственного бюджета Республики Узбекистан и иные источники, не запрещенные законодательством, являются источниками финансирования деятельности Агентства.

5. Установить, что:

а) директор Агентства назначается на должность и освобождается от должности Президентом Республики Узбекистан по представлению Премьер-министра Республики Узбекистан;

б) заместители директора Агентства, в том числе первый заместитель, назначаются на должность и освобождаются от должности Премьер-министром Республики Узбекистан по представлению директора Агентства;

в) по статусу, **условиям оплаты труда, материального стимулирования и медицинского обслуживания:**

директор Агентства **приравнивается** к министру, его первый заместитель – к первому заместителю министра, заместители – соответственно к заместителям министра;

работники центрального аппарата Агентства – к работникам центрального аппарата министерств, работники территориальных подразделений – к работникам территориальных подразделений министерств;

г) при определении должностного оклада работников центрального аппарата Агентства согласно утвержденным разрядам по оплате труда по Единой тарифной сетке тарифные коэффициенты применяются **в 1,8-кратном размере**, работников территориальных подразделений Агентства – **в 1,2-кратном размере**.

6. Директору Агентства **в двухмесячный срок** обеспечить укомплектование Агентства высококвалифицированными специалистами, обладающими необходимыми знаниями и практическими навыками для выполнения возложенных на него задач.

7. Согласиться с предложением Союза молодежи Узбекистана о передаче в установленном порядке соответственно Агентству и его территориальным подразделениям зданий и сооружений, а также имущества, состоящих на балансе Центрального и территориальных советов Союза молодежи Узбекистана, принадлежавших им на основе права оперативного управления (с оставлением на своем балансе части, необходимой для обеспечения деятельности), в качестве государственного имущества на основе права оперативного управления.

Разместить центральный аппарат Агентства в здании по адресу: город Ташкент, улица Навои, 11.

8. Агентству по управлению государственными активами Республики Узбекистан, Агентству, Союзу молодежи Узбекистана совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и города Ташкента в месячный срок провести инвентаризацию зданий и сооружений, а также имущества, предусмотренных в пункте 7 настоящего постановления.

Кабинету Министров Республики Узбекистан обеспечить передачу данного имущества Агентству и его территориальным подразделениям с оставлением на балансе Союза молодежи Узбекистана части, необходимой для обеспечения его деятельности.

9. Министерству экономического развития и сокращения бедности, Агентству, Министерству финансов Республики Узбекистан принять во внимание, что строительные работы и реконструкция

центров молодежи и других объектов инфраструктуры, предназначенных для молодежи, осуществляются в рамках средств, выделенных Агентству.

10. Поддержать предложение Министерства культуры Республики Узбекистан и Союза молодежи Узбекистана о создании **Государственного симфонического оркестра Узбекистана** на базе **Молодежного симфонического оркестра** при Дворце творчества молодежи города Ташкента и передаче его в **структуру Министерства культуры Республики Узбекистан** с сохранением действующих условий оплаты труда.

Министерству финансов Республики Узбекистан выделить средства, необходимые для финансирования деятельности Государственного симфонического оркестра Узбекистана, за счет средств, предусмотренных в Государственном бюджете для Союза молодежи Узбекистана на 2020 год, начиная с 2021 года – при формировании параметров Государственного бюджета Республики Узбекистан обеспечить предусмотрение необходимых средств.

11. Министерству высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан совместно с Агентством в двухмесячный срок внести предложение о компенсации начиная с 2020/2021 учебного года расходов на содержание лидеров первичных организаций Союза молодежи Узбекистана в высших образовательных учреждениях.

12. Министерству по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан в установленном порядке обеспечить подключение Агентства и его территориальных подразделений к высокоскоростной сети Интернет, а также необходимой связью, в том числе правительственной.

13. Включить Агентство в реестр обязательной рассылки:

статистической информации министерств финансов, экономического развития и сокращения бедности, занятости и трудовых отношений, внутренних дел, Государственного налогового комитета, Государственного таможенного комитета, Государственного комитета по статистике, Генеральной прокуратуры, Верховного суда Республики Узбекистан, других министерств и ведомств;

аналитических материалов Института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве финансов и Института прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан.

14. Согласиться с предложением Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан и Союза молодежи Узбекистана о передаче **в структуру Агентства Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан** (далее – Институт).

Определить **основными направлениями** деятельности Института:

ведение мониторинга реализации государственной молодежной политики, системное изучение проблем молодежи и разработку практических предложений, направленных на их решение;

переподготовку и повышение квалификации перспективных молодых кадров, ведущих деятельность в органах государственной власти, министерствах, ведомствах и организациях, методическую координацию их деятельности, подготовку учебно-методических пособий для профессионального развития молодых управленческих кадров;

принятие участия в подготовке проектов актов законодательства и государственных программ в сфере молодежи, разработку предложений по их совершенствованию;

проведение фундаментальных и научно-практических исследований, направленных на изучение проблем молодежи на основе заказов министерств, ведомств и организаций;

проведение социологических исследований, направленных на выявление актуальных проблем, с которыми сталкивается молодежь, и угроз, препятствующих ее устойчивому развитию;

разработку методических пособий, направленных на эффективную организацию работ в сфере молодежи, организацию конференций, «круглых столов» и научно-практических семинаров;

проведение совместных исследований о перспективах регионального и международного сотрудничества Республики Узбекистан по вопросам молодежи.

15. Утвердить структуру **Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров** согласно приложению № 5.

16. Установить, что:

Институт является правопреемником по всем правам, обязательствам и договорам Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан;

Институт является государственным учреждением со статусом юридического лица, основная деятельность которого направлена на изучение проблем молодежи, ведение научных и аналитических исследований в данном направлении, переподготовку и повышение квалификации перспективных молодых кадров, а также имеет печать и бланки со своим наименованием на государственном языке и изображением Государственного герба Республики Узбекистан, самостоятельный баланс и лицевые казначейские счета;

Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан на постоянной основе оказывает **научно-методическое содействие** деятельности Института;

директор Института назначается на должность и освобождается от должности **директором Агентства** по согласованию с Кабинетом Министров Республики Узбекистан;

по условиям оплаты труда, материального стимулирования и медицинского обслуживания директор Института приравнивается к проректору Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, работники – к работникам Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан;

директору Института предоставляется право **устанавливать** ежемесячные **надбавки** своим работникам в размере **до 100 процентов** их тарифной ставки за счет Специального фонда материального стимулирования, а также применять иные меры материального стимулирования в соответствии с актами законодательства;

Институт для выполнения возложенных на себя задач имеет право привлекать работников образовательных и научно-исследовательских учреждений, а также специалистов министерств, ведомств и организаций на договорной основе.

17. Определить следующие источники финансирования деятельности Института:

средства Государственного бюджета Республики Узбекистан;

средства, предусмотренные в государственных научных программах фундаментальных, прикладных и инновационных исследований;

средства, поступающие от хозяйственной деятельности, а также реализации образовательных, методических и научно-исследовательских проектов, выполнения информационно-аналитических и редакционно-издательских работ, образовательных и иных услуг на договорной основе;

благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;

средства, поступающие в рамках грантов международных финансовых институтов и международных организаций.

18. Разместить Институт в здании Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан по адресу: город Ташкент, улица Ислама Каримова, 45, на праве безвозмездного пользования.

19. Министерству финансов Республики Узбекистан:

в рамках параметров Государственного бюджета Республики Узбекистан выделить средства на содержание Агентства и Института в 2020 году, начиная с 2021 года – ежегодно предусматривать необходимые бюджетные средства. При этом принять во внимание, что до внесения изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О Государственном бюджете Республики Узбекистан на 2020 год» финансирование расходов осуществляется за счет средств, выделенных Союзу молодежи Узбекистана на 2020 год из Государственного бюджета;

выделить центральному аппарату лимит для содержания 8 служебных автотранспортных средств, в том числе 6 персонально закрепленных служебных автотранспортных средств, 1 дежурного автотранспортного средства и 1 микроавтобуса, а также 14 служебных легковых автотранспортных средств для территориальных подразделений Агентства.

20. Признать утратившим силу постановление Президента Республики от 14 августа 2017 года № ПП-3206 «О мерах по организации деятельности Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан».

21. Агентству совместно с Министерством юстиции Республики Узбекистан, другими заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

22. Установить следующий порядок реализации настоящего постановления:

директору Агентства – оказывать методическую и практическую помощь министерствам, ведомствам и организациям, ответственным за своевременное и качественное выполнение задач, определенных в настоящем постановлении, обеспечить оперативное решение вопросов, возникающих при осуществлении установленных задач;

руководителям ответственных министерств, ведомств и организаций – реализовать все меры, необходимые для своевременного, полного и качественного выполнения мероприятий, предусмотренных в настоящем постановлении;

генеральному директору Национального информационного агентства Узбекистана Кучимову А.К., председателю Национальной телерадиокомпании Узбекистана Хаджаеву А.Д. – организовать брифинги, пресс-конференции, статьи, тематические телепередачи по освещению сути и содержания, а также практического значения настоящего постановления.

23. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на советника Президента Республики Узбекистан Абдувахитова А.А. и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Мусаева Б.А.


**Президент
Республики Узбекистан**




Ш.Мирзиёев

город Ташкент


ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА
Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан



СТРУКТУРА
центрального аппарата Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан




СТРУКТУРА
Управлений Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан по Республике Каракалпакстан,
областям и городу Ташкенту



Общая предельная численность управленческого персонала – 11 штатных единиц, всего – 154 штатные единицы.


СТРУКТУРА
районных (городских) отделов Агентства по делам молодежи Республики Узбекистан



Общая предельная численность управленческого персонала – 3 штатные единицы, всего – 612 штатных единиц.

СТРУКТУРА

Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров



Общая предельная численность работников – 26 штатных единиц (без учета профессорско-преподавательского состава, технического и обслуживающего персонала), в том числе численность управленческого персонала – 18 штатных единиц, учебно-вспомогательного персонала – 1 штатная единица.

